# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

МУ

# «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

## АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

барча ватандошларни

# Наврўз айёми

билан муборакбод этади!

*Истиқлол шарофати билан Наврўз чин маънодаги янгиланиш ва яшариш, меҳрибонлик ва саховат айёмига айланди. Сизларни ушбу гўзал байрам билан қутлаб, тинчлик, омонлик ва бахт-саодат ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз.*

*Тобора ободонлашиб, гўзаллашиб бораётган салоҳиятли юртимиз узра озодлик ва омонлик қуёши мангу нур сочаверсин!*



3462/462

Шошилинг!!!



# «ЎзДЭУавто» компанияси

қойилмақом ютуқ —
БИТТА АВТОМОБИЛЬ
ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ
бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилинг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг
дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.




*Ўйин шартлари:*

- *2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль ўйинда иштирок этади;*
- *автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;*
- *ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;*
- *ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.*

**Мулоқот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.**

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исм ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!
Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

5491

*Aziz Yurtdoshlar*

Ochiq
Jamiyat Instituti Ko`mak
Jamg`armasi

butun O`zbekiston
xalqini kirib kelayotgan

**Navro`z**

bayrami bilan tabriklaydi.

Sizlarga sihat-salomatlik,
ishlaringizga baraka va omad,
tinchlik va osoyishtalik tilaymiz.

5486/483

*Ҳурматли ватандошлар!*

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки —
# «Ўзсаноатқурилишбанк»
Бошқаруви

## Сизларни
## Наврўз байрами билан
## самимий муборакбод этади.

*Наврўз табиатнинг уйғониш ва янгиланиш тимсолидир, бунда ҳар биримиз табиатнинг бетакрор улуғворлиги ва гўзаллигини янгича ҳис қиламиз, қалбларимизда тоза умид ва орзулар куртак очади.*

*Наврўз байрамида халқимизнинг олижаноблиги, саховати, табиат билан уйғунликда яшаш истаги янада ёрқин намоён бўлади.*

*Ушбу байрамимиз ҳамиша тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат ва бунёдкорлик байрами бўлиб қолсин!*

5488/499

# «КЕЙС НЬЮ ХОЛЛАНД» КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси халқини баҳор байрами —

# НАВРЎЗ

билан чин дилдан самимий табриклайди.

*Мана шу қувончли айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик , эл-юрт равнақи, Ватан ободлиги йўлидаги ишларингизда зафарлар тилаймиз!*

*Жаннатмакон Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадони, гўшасида тинчлик- хотиржамлик, тўкин-сочинлик бўлсин !*




CNH




5466/409




5469/512

Термизнинг 2500 йиллигига

# Баҳор Сурхондан бошланар

Оламда соғинчлар
Нақадар бисёр,
Ҳар бир соғинчнинг ҳам
Ўз ранг, туси бор.
Ҳар йил «Ахборот» да
Бир хабар такрор:
«Бодомлар гуллади—
Сурхонда баҳор».

Ҳар йил қиш ўртаси,
Ҳар шому саҳар,
Мен хабар кутгайман
Сурхондан — хабар.
Бир дамим минг йиллик
Сабрлар бўлгай,
Кунларим зер ила
Забарлар бўлгай.

Оламда ғамлар бор
Ниҳояси йўқ.
Қанча дард, аламнинг
Ҳикояси йўқ.
Билинтирмайгина,
Аста, беозор,
Ажиб якун ясар
Барига баҳор.

Бу тонг Бойсундаги
Тоғлардан эниб,
Бир ел бир севинчни
Еткизди келиб.
Кеч пайт «Ахборот»да
Шу бўлди такрор:
«Сурхонда бодомлар
Гуллади. Баҳор».

О, баҳор! Мен сени
Кутганларим рост.
Йўлингга кўз тикиб
Ўтганларим рост.
Дилни сувлар қилиб,
Дилни сел қилиб,
Яна ўз ичимга
Ютганларим рост.

Бу кеч шамоллар ҳам
Эрка, ҳуркаклар.
Бу кеч қаламларим
Ёзгай куртаклар.
Менинг соғинчларим
Гуллаган диёр —
Онам айвонидан
Келдингми, баҳор?

Бир тандир хизмати
Бутун элга тан.
Бир нонинг тафтида
Қанчалар Ватан.
Бир сингил дийдори
Гул янглиғ тансиқ,
Бир юрт муҳаббати
Қуёшдай иссиқ.

Йигитлигин қўмсаб
Боботоғим ҳам,
Кўкармиш, ёшармиш
Бобо боғим ҳам.
Майсаларин силаб,
Бермайин озор,
Отамнинг бошидан
Келдингми, баҳор?

Келдингми ул ёғоч
Сўриларимдан,
Қумрилар севишган
Мўриларимдан?
Унда зуволалар
Тутгай супралар,
Офтобга чиққайлар
Барча кўрпалар.

Чимилдиқдан чиққан
Келинчак янглиғ,
Бир кунлар бошланар
Ифорлиғ, ранглиғ.
Эсганда муаттар
Боди саболар,
Ер ҳам кўкка қилгай
Нозу иболар.

Мен бу кеч кўнглимни
Торлар айладим.
Бир чечак васлида
Зорлар айладим.
Баҳорим — умидим,
Зори жонимсан,
Сен — менинг дилдорим,
Ёри жонимсан.

Ирмоқдаги сув ҳам,
Қадрига етсанг —
Етгайдир бир юртни
Гар обод этсанг.
Озурда жонлар бор,
Зор кўнгиллар бор,
Обод айлагайсан
Энг аввал, баҳор.

Заҳматлар сунбулу
Суманлар бўлгай.
Фарзандлар соҳиби
Чаманлар бўлгай.
Азиз элдошларим,
Сизнинг соғинчлар
Менинг кўкрагимда
Ватанлар бўлгай.

Тошкент осмонида
Ажиб туғёнлар:
Етиб келмиш бу кеч
Абри найсонлар.
Келинг, ёмғирларим,
Қалдирғочларим,
Бағримда очиқдир
Барча айвонлар.

Мен бу кеч руҳимни
Зангор айладим.
Сен бирлан умримни
Рангзор айладим.
Менинг йўлларимга
Зору интизор
Зангор қирларимдан
Келдингми, баҳор?

* * *

Минг йиллик ҳадислар
Гуллаган диёр.
Ҳикмат келтиргайсан
Энг аввал, баҳор.
Яъни, инсон умрин
Бори ҳикматин:
Эзгулик қийматин,
Умр зийнатин.

Дунё — бир томони
Ёнғинга тўла,
Бир томони меҳру
Соғинчга тўла.
Нур ўйнар ўтларнинг
Киприкларида,
Ел кезар Ҳайратон
Кўприкларида.

Ҳирот ёқларга ҳам
Ўтдингми, баҳор?
Кўкдан раҳматларинг



Тўкдингми, баҳор —
Навоий бобомнинг
Мозорларига,
Мозорлари чеккан
Озорларига?

Мангулик сорига
Айлаган сафар,
Мирзо Бобурдан ҳам
Олдингми хабар?
О, баҳор, бу дунё
Сотилган дунё,
Шоҳу султонларим
Сочилган дунё.

Мен бу кеч бир азиз
Онларга қайтай,
Шомлардан сўз сўраб,
Тонгларга қайтай.
Ковак ёғочлардай
Яшаб, оламда
Бир бор гулламаган
Жонларга айтай:

Ўтмаса кўкламнинг
Чақинларидай,
Ўшал чақинларнинг
Ёлқинларидай,
Умрин нечун яшар,
Нечун, одамзот?
Унинг ҳаётидан
Унга не мурод?

Чўпон хаёл суриб
Олгунча мудроқ
Таёғи кўкариб
Кетгувчи тупроқ,
Наҳот ибрат бўлмас
Одамга, наҳот?
Наҳот тупроқчалик
Эмас одамзот?

Тақир чўлларни ҳам
Айладинг бедор,
Бизга ўргатгани
Келдингми, баҳор?
Шўртан тупроғининг
Ёлқинларида
Сенинг хосиятинг,
Хислатларинг бор.

Кеча Самарқандда
Сочиб ифорлар,
Зангор гумбазлардан
Ювдинг ғуборлар.
Эртан бўй таратиб
Андижонларга,
Атлас кийгизурсан
Марғилонларга.

Гулбаданбегимдай
Безангай ҳаёт,
Бир нурлар қўйнида
Исингай ҳаёт.
Бу гулшан диёрим
Гулхона бўлгай,
Мендай шоирларинг
Девона бўлгай.

Майсажон, ай, тонгги
Табрикларингдан!
Ётиблар ўпайин
Киприкларингдан.
О, юртим! Оламга,
Рўйи заминга
Фақат баҳор ўтгай
Кўприкларингдан.

* * *

Нечун биз дунёда
Ор-номус деймиз?
Нечун мақсадларга
Дил фонус деймиз?
Нечун «Ватан» бизда
Энг қутлуғ калом.
Темур деб қўйгаймиз
Фарзандларга ном?

Ҳар бир гўдак бунда
Султон, улуғдек,
Юлдузларга боқар
Юз минг Улуғбек.
Бағринг тўла сенинг
Дарду оҳ, жаҳон,
Қара, ўсар бунда
Қанча Шоҳжаҳон.

Нечун бу тупроқда
Ҳар бир лола — шеър?
Юз минг боладан сўр,
Бари — Алишер.
Сўнмас ғурур, шондан
Бериб хабарлар,
Ўсиб улғаймоқда
Қанча Бобурлар.

Кеча Қаршидан бир
Полвонча келди,
Ўзи тўққиздаю
Осмонча келди.
Исми ҳам Алпомиш,
Кўкраги — баланд,
Улғайсам оламни
Енгаман, дейди.

Осондир Ватан деб
Фарёд айламоқ,
Гап сотиб шаънини
Барбод айламоқ.
Лекин улуғ ишдир —
Ташвишин торта,
Ватанда Ватанни
Обод айламоқ.

Эҳ-ҳе, ҳали қанча
Туғёнлар керак!
Қанча пок туйғулар,
Илҳомлар керак.
Қанчалар шерюрак
Темурхонлару
Қанча арслонюрак
Инсонлар керак!

Нечун биз дунёда
Ор-номус деймиз?
Нечун мақсадларга
Дил фонус деймиз?
Баҳордай сертошқин,
Баҳордай озод
Яшаб ўтмаса гар,
Нечун одамзот?

Бу элнинг кўксига
Саболар келгай,
Имом Бухорийдан
Дуолар келгай.
Эрта қуёш ўзи
Ерларга тушиб,
Сен учун ризқ эккай,
Насиба эккай.

Бу кеч ҳаволарда
Дийдор иси бор.
Бу кеч умидларим
Барг ёзар такрор.
Менинг соғинчларим
Гуллаган диёр —
Онам айвонидан
Келдингми, баҳор?

О, ҳаёт! Мен сенга
Тармашганим рост.
Сен билан рангу бўй
Талашганим рост.
Сенинг бор айрилиқ,
Ҳасратларингни
Битта қалдирғочга
Алмашганим рост.

**Сирожиддин САЙЙИД.**

## МУШТАРАК АНЪАНАЛАР

Халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожида юксак тафаккур соҳиблари ижоди беқиёс аҳамиятга эга. Самарқанд давлат чет тиллар институтида буюк шоир ва мутафаккир В.Гюго таваллудининг 200 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Андижон, Навоий, Жиззах, Қарши ҳамда Самарқанддаги олий ўқув юртлари олимлари, ёзувчи ва шоирлар иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари буюк ёзувчининг серқирра ижоди, Шарқ ва Ғарб адабиётидаги муштарак анъаналар, бугунги кунда юртимизда Гюго ижодини ўрганиш хусусида сўз юритди.

Анжуманда Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жак Андре Костий иштирок этди.

**У.РЎЗИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


Ҳар бирингизни
кириб келаётган
умумхалқ байрами
**Наврўзи олам билан**
ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ХАЙРИЯ ФОНДИ
аҳли номидан сидқидилдан табриклаймиз.
Ҳаммангизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилангизга ҳамжиҳатлик, хотиржамлик, мустақил давлатимизни мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатингизга улкан зафарлар ва файз-барака тилаймиз.
Халқаро Шароф Рашидов хайрия фондининг Марказий Кенгаши ҳайъати.
5483/522





# Дилтортар «Дилхирож»

Киночилар уйида илк бор намойиш этилган «Дилхирож» (эркаклар рақсининг номи) юртимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Кино бошланмасидан туриб томошабинлар залга ёпирилиб киришди. Бундай ҳолат, менинг назаримда, Тошкент кинофестивали пайтларидагина бўлган эди.

Милиционерлар томошабинларни фақат махсус таклифномаларига қараб киритишсада, киночилар уйининг икки зали ҳаммани сиғдира олмади. Икки юзга яқин киши йўлакчаларда туришди. Очиғини айтганда, буни кўриш ғоят кўнгилли эди. Томошабинлар ҳам ўзларига яраша «тақдирланишди» — қизиқарли фильмни маза қилиб кўришди. Кинофильмни кўриш жараёнида бир неча марта қарсаклар янгради. Томошабин фильм давомида қаҳрамонлар билан ёнма-ён «яшади» дейиш мумкин. Чунки фильм мавзуси ҳар бир кишига таниш ва дилига яқин, эди.

Фильм ташқаридан қараганда оддий, қизиқарли воқеалар юз бермайдиган қишлоқ жойи ҳаётидан олинган. Лекин мана шу оддийлик, осойишталикда шу ерга мансуб бўлган ҳар бир кишини ўзига жалб қилувчи маънавий куч, халқ донишмандлиги мавжуд.

Фильм шак-шубҳасиз ҳақиқий муҳаббат ҳақида. Ва айни вақтда у инсоннинг ўзлигини тушуниб етиши, олий ҳақиқатга эришиш учун босиб ўтиладиган йўл ҳақида ҳамдир. Шундай бўлишига қарамай фильм ақл ўргатмайди. Унда фалсафий руҳга ҳаётий юмор қоришиб кетган. Кампир тилидан айтилган қисқа-қисқа изоҳлар томошабинни фикр юритишга, қаҳрамонлар тақдири хусусида қайғуришга ундайди.

Жанри бўйича «Дилхирож» нафақат лирик комедия, балки метафора-фильм ҳамдир. Мисол учун Дарахт рамзий образини олайлик. Воқеаларнинг кўпчилиги уйни уй қилиб турган шу дарахт атрофида рўй беради. Бу ерда қаҳрамон туғилиши шарафига экилган бошқа дарахт ҳам бор. Уларни ўзаро солиштирилиши фильмнинг ютуғи дейиш мумкин.

«Дилхирож»да бундай фильмларда бўлиши зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бор. Ютуқлар ҳақида гапирганда Ҳотам Файзиев раҳбарлигида амалга оширилган юқори савиядаги тасвирга тушириш ишларини рассом Бобур Исмоиловнинг гўзал безакларини, Жамшид Исмоиловнинг воқеаларни чуқурроқ англашга ёрдам берадиган мусиқаларини ва албатта ажойиб актёрлар жамоаси меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. «Ёшлар»дан Севинч Мўминова, Алишер Ҳамроев, касб усталари Фарҳод Абдуллаев, Фотиҳ Жалилов, «кекса» авлод вакиллари Тўти Юсупова ва Зикир Муҳаммаджоновларнинг меҳнатлари, айниқса, мақтовга лойиқдир.

Фильмни вужудга келтирган ижодий жамоа ёш, меҳнатсевар, билимли ва тиришқоқ. Иқтидорли ёзувчи Эркин Аъзамов билан ҳамкорликда ёзган адабий материалини изланувчан режиссёр Юсуф Розиқов ҳамкасблари билан биргаликда экранда муваффақиятли жонлантира олган.

Яқинда шаҳар бўйлаб сайр қилганимда кинотеатрлар афишаларига эътибор бердим. Уларда «Вампирлар», «Акулалар», «Қотиллар-2» сингари фильмлар намойиш этилмоқда. Ўз маданиятимиз ҳимояси ҳақида чуқур ўйлайдиган пайт келмадимикан деган фикр хаёлимдан ўтди. Бунга эса бошқа фильмларни таъқиқлаш ёки улар устидан қаттиқ назорат жорий этиш орқали эмас, балки «Дилхирож»га ўхшаган фильмлар яратиш орқали эришиш мумкин.

**Фарҳод ҲАМРОЕВ.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Оноре де Бальзак Франциянинг қайси шаҳрида туғилган?**

**136-35-60**

*Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:*
**малакология**


Самарқанддаги 1-педагогика билим юрти шу билим масканига берилган 019213 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек номли машинасозлик касб-ҳунар коллежига берилган КНТ №210269 рақамли диплом бекор қилинади.



БИЗНЕС БАНК

ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

БАРЧАНГИЗНИ БАҲОР БАЙРАМИ

НАВРЎЗ БИЛАН

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

*Сизларга саломатлик, ишларингизда муваффақият ва омад тилаймиз!*

5481/417



*Биринчи даражали*
**MAKSIMA**
*салони буюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган* ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА
**МЕБЕЛЛАРИ**
*ҳамда*
РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТГИЧЛАРНИ
*харид қилиш учун шу йил 1 мартда очилган, барча қулайликларга эга бўлган янги дўконига таклиф этади.*
*Янги дўкон манзили:*
*Тошкент шаҳри,*
*Д.Кунаев кўчаси, 46-уй, кўк бино.*
*Мўлжал: Миробод бозори.*
*Телефон: 111-14-44.*
HOTEL KOREANA
Нукус кўчаси
Миробод бозори
Д. Кунаев кўчаси
MAKSIMA
5294/217


Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Метрология ва ўлчаш техникаси» кафедраси доценти Ш.А.Қодировга падари бузруквори
**АБДУВАҲОБ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси шу қўмита раисининг ўринбосари Раҳмонқул Каримовга отаси
**КАРИМ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент Давлат техника университетининг кафедра мудири, профессор
**Анвар Саидович КАРИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти жамоаси мазкур институтнинг собиқ директори, профессор
**Анвар Саидович КАРИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ



Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.



БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 294,
38254 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — М. НОРМАТОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.00*
1 2 3 4 5 6